



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЖИЛОВИНИ МАҲКАМ УШЛАГАН ҲОЛДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ЮМШАТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 май куни мамлакатимизда карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодий тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида дунёда пандемия ҳали давом этаётгани, лекин қатор давлатлар карантин чекловларини аста-секин юмшата бошлаганини қайд этди.

— Дунё ҳамжамияти коронавирусга қарши вакцина ва даволайдиган дори воситаси ҳали топилмагани сабабли ушбу инфекция мавжуд бўлган шароитда яшаш ва ишлашга ўрганиш зарурлиги туғрисида яқин хулосага келмоқда. Биз ҳам эпидемиологик вазият жиловини маҳкам ушлаган ҳолда, карантин талабларини юмшатишни бошлаганимиз ва буни босқичма-босқич давом эттираемиз.

Буни, энг аввало, иқтисодий фаолликни тиклаш орқали, аҳолининг ишлаши ва даромад олишини таъминлаш мақсадида амалга оширмоқдамиз.

Бу борада ўзимиздаги ҳақиқий аҳвол ва халқаро таърибани кенг ўрганимиз. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ҳокимлар бутун масъулиятни ўзига олиб, чуқур ўйлаб, одамлар билан маслаҳатлашиб, иш олиб бораётган бўлса, уша жойда яхши натижа бермоқда.

Лекин баъзи жойларда берилган эркинликни нотўғри тушуниб, аҳоли, айниқса, ёшлар ҳеч қандай заруратсиз кўчаларни тўлдириб юргани кўзатишмоқда. Бундай ҳолатлар ҳамда охириги кунларда инфекция юқтирганлар сони яна ошаётгани ҳам мамизни ҳушёр бўлишга чақирмоқда.

Умуман, коронавирус хавфи йўқолганидан кейин ҳам халқимиз карантин пайтидаги айрим қоидаларни ўзининг оддий турмуш тарзига айлантириши керак. Жумладан, шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, қўлни тез-тез совунлаб ювиш, дезинфекция қилиш, турли туй-маросимларни жуда чекланган тарихида ўтказиш, юқумли касал бўлса ниқоб тақиш оддий қоидага айланиши зарур.

Бир ҳақиқатни барчамиз аниқ тушуниб олишимиз шарт: пандемия шароитида биз жорий этган янги тизимнинг қанчалик самарали ишлаши фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда пандемияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб утилди.

Бу мақсадларга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, иқтисодий фаолликни таъминлаш учун умумий қиймати 1 триллион сўмдан зиёд бўлган янги инвестиция лойиҳалари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, 87 мингта тадбиркорлик субъектининг жами 18 триллион сўм, қарийб 2 миллион фуқаромизнинг 5 триллион сўмдан зиёд банк кредитларини қайтариш мuddати узайтирилди.

Ўтган ойнинг ўзида 250 мингта тадбиркор ва корхона, 83 мингта фермер хўжалигининг жами 400 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа тўловларини тўлаш мuddати кечиктирилди. Давлат мулкидан фойдаланаётган 11 мингдан ортиқ тадбиркор ижара тўловидан озод бўлди.

Эҳтиёт чоралари таъминланган ҳолда, карантин даврида ишламаган 14 мингта саноат корхонасидан ҳозирги кунда 10 мингта иш фаолиятини қайтадан бошлади. Уларнинг 178 минг ходими ўз иш жойига қайтди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида вилоят ҳокимликлари билан биргаликда ҳозирги кунда ишламай турган 4 мингта саноат корхонаси муаммоларини бирма-бир ўрганиб, уларнинг фаолиятини май ойи охиригача йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз пандемия шароитида аввалги берилган имтиёزلарга қўшимча равишда тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини таъкидлади.

Биринчидан, кичик бизнес ва фермер хўжаликларига ижтимоий солиқ ставкаси май-июль ойларида 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Бунинг натижасида 260 мингдан зиёд корхона ва фермер хўжаликлари жами 650 миллиард сўм маблағларни тежаган ҳолда, уларни сармоя ва айланма маблағ сифатида ишлатиш имконига эга бўлди.

Иккинчидан, кичик бизнес вақиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади. Бунинг ҳисобига 50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўмни тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.

Шунингдек, аввалги қарорга асосан, апрель-май ойларида 1 мингдан зиёд

тадбиркорнинг ер ва мол-мулк солиқлари ва пенялари бўйича кечиктирилган 80 миллиард сўм тўловлари кечиб юборилади.

Учинчидан, тадбиркорларга божхона тўловларини 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат берилади. Бу уларга жами 540 миллиард сўмни тежаш ҳамда ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

Тўртинчидан, эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилади.

Бешинчидан, илгари ставкаси 22 фоизгача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қўллаб берилган бўлса, энди ставкаси 26 фоизгача бўлган кредитларнинг фоизлари ҳам қисман қўллаб берилади.

Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдирish учун 500 миллиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга оширилади.

Олтинчидан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига якка тартибда уй-жой куриш ва таъмирлаш учун кредит бериш таърибаси Тошкент шаҳрида ҳам татбиқ этилади. Шу орқали пойтахтда қарийб 10 мингта мавсумий иш ўринлари яратилади.

Еттинчидан, маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига III-IV чорақдаги харидларини II чорақда амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Умуман, иқтисодий ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Йиғилишда юртимиздаги эпидемиологик вазият ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг тақлифларидан келиб чиқиб, карантин талабларини янада юмшатиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, "яшил" ва "сарик" ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда, хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Республика комиссиясига пандемия қайта кучайган тақдирда вазирлик ва идоралар бажариши лозим бўлган бирламчи вазифалар белгиланган тартибни тасдиқлаш топшириғи берилди.

Давоми 2-бетда



АНДИЖОНЛИК ҲУНАРМАНДЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Рустамжон ЭШОНОВ

Андижон қадимдан ҳунармандлари билан маълум ва машҳурдир. Заргарлик соҳасида балдоқозлик мактаби, "анжанча" бекасам, адрес тўқинининг асл нусхалари, каштачиликда ўзига хос ироки чок турлари, миллий тўн-чопонларни безашда қўлланиладиган қадимий жияк тўқиш услуби, пичоқчиликда ўйма безаклар, кулолчиликда ўзгача анъанавий шакл ва жиолар бу маконда ҳунармандчилик азалдан ривожланганидан далолат беради. Андижонлик ҳунармандлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан эълон қилинган танловда 2 миллиард 710 миллион сўмлик грант ютиб олишди.

Давоми 5-бетда

Муносабат



ЭЗГУЛИК ҒАЛАБАСИ ВА ТАРИХИЙ АДОЛАТ

Қудратилла РАФИҚОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

"Инсоният тарихи урушлар тарихидир", деган эди муаррихлардан бири. Гарчи бу сўзларда андак қочирим ва киноя бўлса-да, моҳиятан олганда, тарихчининг фикрини дастаклаш мумкин. Зотан, кузатсангиз тарих ғаладонидидаги таназзуллар, инсоният дучор бўлган мислсиз жоғаларнинг аксарияти урушлар ҳисобига тўғри келганига гувоҳ бўласиз.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони қабул қилинди

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар белгиланди:

2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси ва "йўл харитаси" тасдиқланди.

Халқаро молия институтлари кўмағида "ИПОТЕКА-БАНК" АТБ, "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" АТБ, "АСАКА" АТБ, АТ "АЛОҚАБАНК", "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" АТБ ВА "ТУРОНБАНК" АТБДАГИ ДАВЛАТ УЛУШЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, БУНДА БИРИНЧИ БОСҚИЧДА УЛАРНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРТИРИШНИ (ФАОЛИЯТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ), ИККИНЧИ БОСҚИЧДА ЭСА ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИНИ СОТИШНИ НАЗАРДА ТУТИЛАДИ.

БАНКЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАР ҲИССАСИНИ ЖОРИЙ 28 ФОИЗДАН 2025 ЙИЛ ЯКУНИГА 70 ФОИЗГАЧА ОШИРИШ;

УМУМИЙ КРЕДИТЛАШ ҲАЖМИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЛУШИНИ ЖОРИЙ 0,35 ФОИЗДАН 2025 ЙИЛГА КЕЛИБ 4 ФОИЗГАЧА ОШИРИШ;

2025 ЙИЛГА КЕЛИБ ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД КАМИДА УЧТА БАНК КАПИТАЛИГА ЗАРУР ТАЖРИБА, БИЛИМ ВА НУFUЗГА ЭГА КАМИДА УЧТА СТРАТЕГИК ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ;

БАНК ТИЗИМИ АКТИВЛАРИНИНГ ЖАМИ ҲАЖМИДА ДАВЛАТ УЛУШИ БЎЛМАГАН БАНКЛАР АКТИВЛАРИ ҲИССАСИНИ ЖОРИЙ 15 ФОИЗДАН 2025 ЙИЛГА КЕЛИБ 60 ФОИЗГАЧА ОШИРИШ;

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЖИЛОВИНИ МАҲКАМ УШЛАГАН ҲОЛДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ЮМШАТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Олис ҳудудларнинг пойтахтимиз билан транспорт алоқасини тиклаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Шу боис Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларида авиакатновларни тиклаш, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига "Афросиёб" тезорат поезди ҳамда Фарғона водийсига поезд катновини қайта йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳарлар ичида шахсий автомобиллар ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш масаласи ўрганилмоқда. Транспорт, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига булар бўйича Республика комиссиясига таклиф киритиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, касаллик юқиси хавфдан келиб чиқиб, тўловлар нақдсиз шаклга ўтказилган эди. Аҳоли, айниқса, пенсионерларнинг муносабатларини ҳисобга олиб, иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди.

Тошкент шаҳри туманларида муносиб иш жойлари ташкил этиш, уй-жойлар қурилишини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида карантин чораларини юмшатиш, иқтисодий қорхоналарини қайта тиклаш борасидаги ишлар бу сафар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари мисолида кўриб чиқилди.

Мазкур икки вилоятда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 20 фоизи истиқомат қилади, sanoat маҳсулотларининг 11 фоизи ишлаб чиқарилади.

Сўнги икки ҳафтада карантин талаблари юмшатилиши натижасида Қашқадарё вилоятида 90 фоиз, Самарқанд вилоятида 60 фоиз корхоналар ўз фаолиятини тиклади. Лекин аҳолини даромад билан таъминлаш учун бу етарли эмас. Камбағал оилалар сони Қашқадарёда 91 мингта, Самарқандда эса 48 мингтадан ташкил этади. Бу вилоятларнинг ҳар бирида юз мингдан ортиқ ишсизлар бор.

Давлатимиз раҳбари қийинчиликка дуч келаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳудуд раҳбарларининг энг устувор вазифаси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Қашқадарё вилоятида sanoat ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизи республикага бўйсунадиган корхоналарга тўғри келади. Касби, Қамаш, Миришкор, Нишон ва Чирокчи туманларида sanoat деярли йўқ.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлиги билан биргаликда мазкур туманларда sanoatни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда етиштирилмаган пахта толасининг атиги 42 фоизи қайта ишланиши қайд этилиб, янги тикув-трикотаж корхоналари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олтингургут, марганец, ферро-силиций, гипс, доломит ва бошқа хомашё захираларидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри аҳолиси 600 мингдан ошди. Ҳозирги уй-жой салоҳияти ва инфратузилма эҳтиёжни қондира олмайди. Шу боис

шаҳарни Пастдаргом, Нуробод, Самарқанд туманлари томон кенгайтириш, янги мавзелар, "йўлдош шаҳарлар" барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу йўналиш вилоят учун яна бир ўсиш нуқтаси бўлади, минглаб иш ўринлари яратилади.

Самарқанд вилоятида 120 та нурода конлар мавжуд бўлиб, улардан 33 таси sanoat йўли билан ўзлаштиришга жалб қилинмаган. Мисол учун, 5,1 миллион куб метр керамзит ва пардозбол тошлар, 200 минг тонна ферро-силицийни sanoat усулида қайта ишлаш имконияти бор.

Мутасаддиларга мавжуд конларнинг муҳандислик инфратузилма таъминотини ўрғаниб, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Sanoatni орқада бўлган туманларни ривожлантириш, "Урганч" эркин иқтисодий зонасининг Нуробод туманидаги қисмини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Вилоятдаги тўқимачилик корхоналари 37 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин ҳозирда уларнинг атиги 48 фоиздан фойдаланилмоқда, холос. Шу боис, тўқимачилик sanoatни қувватларининг ишлаш даражасини ошириш, вилоятдаги 2 та пахта-тўқимачилик кластерида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Утган йиғилишдаги топшириққа мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳунармандчиликнинг муайян йўналишларига ихтисослашган 217 та эски қишлоқ тарихи, маҳаллий аҳолининг азалдан шаклланган кўникмалари ва "ўсиш нуқталари" ўрганилди. Бу таърибани бошқа ҳудудларда ҳам бошлаб, аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Каттақўрғон ва Нуробод туманларидаги 1 минг 200 гектар лалми ва яйлов ерларни Каттақўрғон шаҳри аҳолисига фойдаланишга бериб, 5 минг кишини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳукумат таркибидagi ўзгаришлар моҳиятига ҳам тўхталиб ўтди.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Бош вазирга янги вазифалар юклатилди, унинг ўринбосарлари ўртасида ҳам вазифалар қайта тақсимланди.

Ижтимоий соҳанинг аҳамияти ортиб бораётгани боис Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу лавозимга шу кунга Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Бекзод Мусаев тайинланди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлигига Президентнинг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органи билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Шерзод Қудбийев тайинлангани маълум қилинди.

Йиғилишда Самарқанд ва Қашқадарё вилояти ҳокимлари, бошқа ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РАИСИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринлари Раисининг Европа парламентининг Марказий Осиеь мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Ф.Мартушелло (Италия) билан видеоконференция орқали музокара ўтказди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, жумладан, икки томонлама парламентлараро алоқаларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Европа Иттифоқи билан сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнги пайтларда томонлар ўртасидаги муносабатлар янгича руҳда ривожланмоқда. Президент Ш.Мирзиёевнинг

шу йил апрель ойида Европа кенгаши раҳбари Ш.Мишель билан ўтказган телефон мулоқоти бундан далolatдир. Музокара чоғида Ф.Мартушелло Ўзбекистонда коронавирус тарқалишига қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлардан хабардор этилди. Пандемиянинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини камайтириш учун Ўзбекистонга 36 миллион евро миқдорида молиявий ёрдам тақдим этишга тайёриги учун Европа Иттифоқиға миннатдорлик билдирилди.

Европарламент делегацияси раиси COVID-19 пандемиясига қарши курашиш бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилатган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбариятининг инқирозга қарши чора-тадбирлари самарадорлиги кейинги йилларда олиб борилган ислохотлар дастури билан болглик.

Ўзбекистон хорижий давлатларга, жумладан, Европа Иттифоқи аъзоси Венгрияга коронавирусга қарши курашиш учун

инсонпарварлик ёрдами кўрсатгани алоҳида қайд этилди. Европарламент депутаты шу йил март ойида Тошкентда кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими лойиҳаси юзасидан ўтказилган Ўзбекистон — ЕИ музокаралари якунларига ижобий баҳо берди. Мазкур музокара давомида томонлар ушбу кенг қамровли лойиҳанинг қўллаб муҳим масалаларини келиши олдди.

Ф.Мартушелло Ўзбекистоннинг GSP+ преференциал савдо мақомига эга бўлиши мамлакатимиздаги ислохотлар сиёсати қўллаб-қувватланишини қўрсатувчи муҳим кадам бўлишига қўшилди. GSP+ мақоми 6 мингдан зиёд номдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқиға боғсиз экспорт қилиш имконини беради.

Мулоқот чоғида "Ўзбекистон — ЕИ" парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисини Брюссель шаҳрида ўтказиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

2020 йил 13 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг видеоконференция шаклидаги навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ҳиндистон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Хитой ва Ўзбекистон ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош котиви ва Минтақаий ақсилтеррор тузилмаси Ижрoия қўмитаси директори COVID-19 пандемияси шaroитидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Коронавирус оқибатларига қарши курашиш ва касалликнинг ШХТ давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга

таъсирини юмшатиш бўйича долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Эпидемияга қарши курашиш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ташкилотга аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳимлиги таъкидланди. Томонлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва бу борада ШХТнинг амалдаги механизмлари ишини фаоллаштириш зарурлигини қайд этди. Пандемиядан кейин дунё иқтисодиётида кузатиладиган жиғдий ўзгаришлар нўқтан назаридан савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, иқтисодиётни тиклаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга

қўмақлашиш масалалари кўриб чиқилди. Тадбир иштирокчилари Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутлади, жасур жангчилар, фронторти меҳнаткашлари дунёни фашизмдан қутқаришга улкан ҳисса қўшгани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирокчиларга мамлакатимизда ушбу муҳим санани кенг нишонлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётгани тўғрисида маълумот берди.

Мажлис якунида COVID-19 пандемияси тарқалиши муносабати билан ШХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг баёноти қабул қилинди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

BLUESTONE — АМЕРИКАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИГА АЙЛАНДИ

Рауф НУРУЛЛАЕВ

Bluestone инвестиция банки Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорига профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олди, деб хабар беради Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги.

Агентлик Американинг Bluestone Financial Group Inc. молиявий компаниясига инвестиция воситачиси, инвести-

ция бўйича маслаҳатчи ва инвестиция активлари бўйича ишончли шахсининг хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни тақдим этди. Ушбу лицензиялар Bluestone ни Ўзбекистондаги тўлиқ бошқариладиган инвестиция банкига айлантиради.

Банк савдо, қарз капиталли бозори, қимматли қоғозлар бозори, қўшилиш ва сотиб олиш, хусусийлаштириш, қайта тузиш ва капитализация операцияларига ихтисослашган. Бу борада нефть ва газ, sanoat, металлургия, молиявий индустрия, телекоммуникация, қайта тикланмаган энергия, инфратузилма ва транс-

порт тармоқларига хизмат кўрсатади.

Банкнинг Нью-Йорк ва Тошкентда ваколатхоналари мавжуд. Компания ассосици ва президенти Куин Мартиннинг таъкидлашича, Bluestone Ўзбекистонда "Ғарб сармосия, илғор таърибаси билан етакчи маҳаллий ва давлат корхоналари ўртасида боғловчи звено бўлишни" мўлжалламоқда.

Bluestone АҚШнинг Ўзбекистон бозорига биринчилардан бўлиб кириб келаётган молиявий муносабатни ҳисобланади. У тез орада Тошкент қимматли қоғозлар биржасининг аъзоси бўлишни режалаштирмоқда.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ БАНКРОТЛИК ИНСТИТУТИ

инсон манфаатларини муҳофазалаш тамойилларини кучайтиради

Адиба САФАРОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар самарасида кейинги йилларда аҳолини кредитлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. "Кредит" тушунчаси деярли ҳар бир оила иқтисодига кириб борди. Банклар томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳисобига кимдир автомашина, яна кимдир маший жихозлар сотиб олиб фойдаланмоқда.

Аммо бугунги глобал пандемия ва унинг натижасида жорий этилган узоқ муддатли карантин чекловлари шароитида фуқароларнинг кредит тўловларини ўз вақтида тўлаш қобилияти пасайишни табиий. Шундай мураккаб вазиятда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётгани юртимизда ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлигини таъминлашда ўз самараларини берапти.

Ҳозир банклар томонидан кредит таътиллари берилмоқда ёки фуқароларнинг тўловга лаёқатлигини ошириш мақсадида турли миқдор ва шартларда микроқарзлар таклиф этилмоқда. Бироқ бу тахлит чоралар ҳам пандемиянинг узоқ вақт давом этиши натижасида самарасиз бўлиши, фуқароларнинг қарзлари янада ортиб кетиши мумкин.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун ижтимоий бозор иқтисодиёти ривожланишига ёрдам берадиган иқтисодий муносабатларнинг янги қоидалари ва стандартларини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Жисмоний шахсларнинг банкротлик институти бу борада жаҳон таърибасида сингалган самарали усул ҳисобланади.

ХОРИЖ ТАЪРИБАСИГА НАЗАР

Жисмоний шахсларнинг банкротлиги институти хорижий давлатлар қонунчилигида турлича кўринишларда намоён бўлади. Жумладан, жисмоний шахсларнинг тўловга қодир эмаслиги (insolvency of natural persons), акциядор бўлмаган банкротлик (non-incorporated bankruptcy), шахсий банкротлик (personal bankruptcy) ва истеъмолчиларнинг банкротлиги (consumer bankruptcy) каби.

Дейлик, АҚШ қонунчилигида "истеъмолчилар банкротлиги" тушунчаси фуқароларнинг тўловга лаёқатсизлигини англатади. Таъкидлаш керакки, бу америкаликлар учун оддий ҳол ҳисобланади, яъни барча банкротлик ишларининг 85 фоизи жисмоний шахсларга оид. Банкротлик ҳуқуқи америкаликларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, юридик шахслар ва ҳукумат билан муносабатларда уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади.

Францияда "жисмоний шахсларнинг банкротлиги" атамаси тўловларни тўхтатиш деган маънони англатади ва қарздорликни тўлаш учун бўш пул маблағлари бўлмаган қарздорнинг ҳолати тушунилади. Канада қонунчилиги асосан, ўзини банкрот деб эълон қилиш учун фуқаро кредиторлар олдида камида 1000 АҚШ доллар миқдорида қарзга эга бўлиши ва ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги керак. Банкрот деб топил тўғрисидаги ариза банкротлик бўйича хизматга берилади. Мазкур хизмат томонидан истеъмолчилар банкротли-

ги ва молиявий соғломлаштириш таомилларини амалга ошириш учун банкротлик бўйича бошқарувчи тайинланади. Мебель ва маиший техникалар, қиймати 6 500 АҚШ долларидан кўп бўлмаган транспорт воситалари, ушбу миқдоргача бўлган китоблар ва ускуналарга ундирув қаратилмайди.

Буюк Британияда шахс ўзининг 750 фунт стерлинг миқдоридagi қарзларини қоғлаш учун маблағга эга бўлмаса ёки қарз муддати тугаши билан уларни тўлашга қодир бўлмаса, у тўловга лаёқатсиз ҳисобланади. Бу ерда қарздорга нисбатан жиғдий чекловлар қўйилган. Хусусан, қарздор адвокатлар ассоциациясининг аъзоси, кўчмас мулк агенти, банкротлик бўйича ишончли шахс, биржа вакили ёки тижорат менежери бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қоғда тариқасида беш йил ёки ундан кўпроқ муддатга қарз олиш, чегарани кесиб ўтиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда унга чекловлар қўйилади. Банкротликка оид ундирув ускуналар, китоблар, транспорт воситалари, шахсий фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларга қаратилмайди.

Германия қонунчилигида кўра, маҳаллий судларга ариза билан мурожаат қилиш учун қарздорнинг умумий қарзи 1000 еврони ташкил этиши ва ушбу қарз юзасидан ўз мажбуриятини бажара олмаслиги лозим. Маҳаллий судлар томонидан банкротликка оид тасарруф этиш, тугатиш, қайта ташкил этиш, келишув битими каби таомиллар қўлланилиб, банкротлик бўйича бошқарувчи тайинланади. Қарздорнинг барча мулкларига нисбатан ундирув қаратиллади.

Россия Федерациясидa фуқароларнинг тўловга лаёқатсизлиги (банкротлиги) институтини жорий этиш масаласи 10 йиллар давомида муҳокама қилинган. 2015 йилга келиб қонунчиликка жисмоний шахсларнинг банкротлиги жорий этилиши билан болглик ўзгартириш ва қўшимча-

лар киритилган. Унга кўра, фуқарога қўйиладиган талаблар беш юз минг рублдан кам бўлмаса ва кўрсатилган талаблар бажарилиши керак бўлган кундан бошлаб уч ой ичида бажарилмаган бўлса, шунингдек, бошқача қоғда назарда тутилган бўлмаса, фуқарони банкрот деб топил тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди томонидан қабул қилинади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАНДАЙ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАР МАВЖУД?

2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги қонунни 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади юридик шахслар, яъка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда яъка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат экани белгиланган. Бироқ амалдаги қонунчиликда банкротлик субъектлари сифатида юридик шахслар ва яъка тартибдаги тадбиркор назарда тутилган бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг бошқа субъекти бўлган жисмоний шахсларнинг, яъни фуқароларнинг банкротлиги масаласи мавжуд эмас.

Бу фуқаролар қутилмаганда юзага келади деган салбий ҳолатлардан, жумладан, ишдан маҳрум бўлиш ёки иш ҳақининг пасайиши, жароҳатланиш, жиғдий касаллик, инфляция, девальвация, ҳаддан ташқари юқори банк фойзалари ва оилавий бюджетга жиғдий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлардан ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганини англатади.

Албатта, қонунчиликка бундай янгиликларни жорий этишда иқтисодиётимизнинг ҳозирги ривожланиши ҳолатини чуқур ўрганиш, қолаверса, аҳолининг ушбу жарафни тўғри англаши ва қўлашга тайёриги ҳолатини ҳам ҳар тарафлама таҳлил этиш мутахассислар зиммасидаги муҳим вазифадир.



қарзнинг бир қисmini чиқариб ташлаш кабилар. Аммо имтиёзли давр тугаганидан кейин кўпгина қарз олувчилар олдинги даромадлари йўқлиги сабабли яна қарзини тўлай олмайди ва қўрилган чоралар қарз олувчи — жисмоний шахснинг муаммоларини ҳал қилмайди.

Шу боис, мамлакатимиз қонунчилигида жаҳон таърибасидан келиб чиқиб, жисмоний шахсларнинг банкротлик институтини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу, бир томондан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, иккинчи томондан, иқтисодиётимизга ижобий таъсир кўрсатади.

Электрон солиқ хизматлари

ПАНДЕМИЯ ЯНГИЛИКЛАР УЧУН ЧЕКЛОВ ЭМАС!

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иктисодий шарҳловчи

Карантин сабаб жорий этилган чекловлар одатий турмуш тарзидан жуда кўп ўзгаришлар киритмоқда. Айниқса, уйда қолиш мажбуриятига мослашиб, кўникаш ҳеч қандай омон кечяда бўлмайди. Аммо мазкур синовли давр бизга кўплаб ижобий жиҳатларни тақдим этаётгани ҳам бор гап. Масалан, карантин ва изоляция сабаб барча соҳалар масофадан ишлашга, онлайн мулоқот платформасига жадал ўта бошлади. Натижада ҳар қандай даражадаги масалаларни масофадан ҳал этиш тобора оддий ва одатий ҳолга айланмоқда.

"SOLIQ" МОБИЛ ИЛОВАСИ

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази ҳам карантин даврида ўз номи ва мақсадларига мос тарзда ишлашда давом этипти.

— Энг муҳими, барча зарур юмушларни масофавий бажариш учун солиқ тўловчилар олдидан турган саволларга ечим топилди, янгиликлар сони ва сифати оширилди, қулайликлар қамрови янада кенгайтирилди,— дейди Янги технологиялар илмий-ахборот маркази директори Ҳаётжон Насруллаев. — Мисол учун, марказимизнинг "SOLIQ" мобил иловаси карантин даврида солиқ тўловчиларни ортқича вақт, куч ва харажат сарфидан халос этипти. Улар уйдан чиқмасдан, мобил илова орқали бу юмушни санокли дақиқаларда амалга оширишади.

Мазкур мобил илова ёрдамида жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солиқлари суммаларини аниқлаши ва тўлаши мумкин. Тўловлар банк пластик картасига орқали амалга оширилади. Мобил иловадан иш ҳақи тўғрисида маълумотларни олиш, СТИРНИ аниқлаш ҳам оson. Солиқни тўлаш, тўлов топшириқнома яратиш ва унинг ҳолати билан танишиш имконияти эса яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун бирдай фойдалани бўлган.

Мобил илова, шунингдек, шахсий ҳисобварақ маълумотлари ҳисобланган — тўланган солиқлар, қарздорлик ёки вақтида тўланмаган қарздорлик учун устамалардан хабардор бўлишда қўл келмоқда.


ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО

Карантин даврида электрон рақамли имзо билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳам суроқ остида қолаётган эди. Чунки Давлат хизматлари маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга берилган электрон рақамли имзо сертификатининг амал қилиш мuddати тугаши турли давлат хизматларидан уйдан туриб фойдаланишни чеклаб қўйиши тайин эди.

Ҳозирги шароитда янги электрон калит олиш учун ДХМга боришга ҳожаат қолмади. Чунки иш ва бизнес жараёнларининг тўхтаб қолиши муаммолар сони ошишига олиб келди. Ушундай вазиятда қандай йўл тутиш керак? Бу савол электрон рақамли имзо фойдаланувчиларини узоқ ўйлантирмади.

— Биз бу масалани ҳал этишнинг оқилона йўлини тақдим этдик, — дейди марказ директори ўринбосари Музаффар Машарипов. — Электрон рақамли имзо калитини интернет орқали реал вақт режимида олиш имконияти ишга туширилди. Унга қўра, Давлат хизматлари марказига бормасдан, e-imzo.uz сайти орқали электрон рақамли имзо калити мuddатини уйдан туриб янгилаш йўлга қўйилди.

Марказ аниқ йўналишда солиқ тўловчилар учун қулайлик ва енгиллик яратишда давом этади. Пировардида Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат хизматлари маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга электрон рақамли имзо калити ва сертификатини махсус ахборот



ресурси орқали бериш механизми жорий этилди. Бунда ушбу давлат хизматидан муурожаат этувчи ҳали электрон рақамли имзо сертификати эга бўлмаган тақдирда ҳам фойдаланиши мумкин. (<https://e-imzo.uz/#instructions>)

Ҳаётда Давлат солиқ қўмитаси томонидан карантин даврида корхоналар ишини енгиллаштириш ва узлуқсиз фаолият юритиши учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида йирик солиқ тўловчиларнинг транспорт воситаларига махсус рухсат берувчи стикерлар берилиши маълум қилинди. Йирик солиқ тўловчилар Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан қисқа мuddат ичида ишлаб чиқилган интерактив хизматдан фойдаланган ҳолда ушбу рухсат берувчи ҳужжатни олиш имкониятига эга бўлди (<https://my.soliq.uz>).

ЯНГИЧА ИШЛАётган "СЕКТОРБАЙ"

— "Секторбай" ишлаш тизими ҳам аниқ керакли ва зарур вақтда иш бошлаган муҳим лойиҳалардан бири бўлди, — дейди марказ директори Ҳаётжон Насруллаев. — Ушбу янги тизим тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни қизиқтирган саволларга тезкор ва аниқ жавоб бериш мақсадида ишлаб чиқилди.

Тизимдан фойдаланиш содда ва тушунарли: телеграмда @SektorUzbot орқали сектор хизматларига улашиш мумкин. Тадбиркорлик субъекти ушбу бот ёрдамида ўз ҳудудидаги сектор раҳбарига муурожаат йўллаши мумкин. Муурожаатлар тўғридан-тўғри порталга бориб тушади. Бу ерда эса улар автоматик шаклда тақсимланади. Сектор раҳбарлари ўзининг логин пароли билан кирганида уларга тақсимланган барча муурожаатларни қўриши мумкин ва мутасадди ташкилотларга маълумот бериш имкони бўлади. Керакли ташкилотлар бу муаммоларни ўрганиб, ҳал қилганидан кейин порталга уларни қандай ечгани ҳақида жавоб киритади. Умумий назоратчи туман ҳокими-нинг биринчи ўринбосари амалга оширади.

Айни кунда тизим билан республикаимизнинг барча ҳудуди қамраб олинган. Муурожаатларни қўриб чиқиш мuddати 3 иш кунни этиб белгиланган. Янги ишлаб чиқилган мазкур тизим Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, сектор ва ташкилот раҳбарлари томонидан юритилади.

Бу қанчалик самара берапти? Биргина мисол: хизмат дастлаб Боёвот ва Тўрақўрғон туманида ишга туширилганида бир ҳафтада 300 дан ортиқ муурожаат келиб тушди. Шундан 90 фоизи бир кунда ҳал этилди.

Мамлакатимизда 200 дан ортиқ қишлоқ ва шаҳар тумани мавжудлиги инobatта олинса,

янги тизимнинг муурожаатларни ҳал этишда қанчалик самара келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундан ташқари, пандемиянинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ҳаёти ҳам жиддий хавотирларга сабаб бўлаётган айни чоғда бундай қўллаб-қувватлашларнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта.

ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИГИ ОФИСИ

Яна бир махсус хизмат — интернет компанияларнинг ҚҚС офиси — <http://tax.uz> ҳам карантин даврида муҳим лойиҳалардан бири бўлди. Ушбу янги хизмат қай жиҳати билан манфаатли?

— Гап шундаки, Солиқ кодексига мувофиқ, шу йилдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида жисмоний шахсларга хизматларни электрон шаклда тақдим этадиган хорижий компаниялар учун қўшилган қиймат солигини (ҚҚС) тўлаш жорий этилди, — дейди марказ директори ўринбосари Музаффар Машарипов. — Интернет компанияларнинг ҚҚС офиси айнан шу тизимдаги компанияларни рўйхатга олишга хизмат қилади.

Бугунги кунга қадар ҚҚС офиси орқали Ўзбекистонда 9 та хорижий компания иштирокида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди. ҚҚС бўйича биринчи тўлов "Google Commerce Limited" компанияси томонидан амалга оширилди. Компания жорий йилнинг 1 чорага якунларига қўра, давлат бюджетига 85 минг евро миқдорда маблағ тўлади. Давлат солиқ қўмитасига ҚҚС офиси орқали рўйхатдан ўтиш учун хорижий компаниялардан аризалар келиб тушиши давом этмоқда. Демак, бу масалада давлат бюджетига келиб тушадиган маблағлар миқдори ортиб боришига ишонч ва асослар етарли.

Мухтасар айтганда, пандемия сабаб юзага келган вазият ана шундай қулай, замонавий ва янги имкониятлар салмоғини ошириди, онлайн хизматлар ривожини тезлаштириди. Албатта, карантин даври яна қачонгача давом этиши ҳозирча номаълум. Лекин шуниси аниқки, энди Ўзбекистоннинг, сиз ва бизнинг ҳаётимиз кечяда бўлмайди — рақамли технологияларга эътиборимиз, эҳтиёмимиз тобора ортиб бораверади. Замонавий дунёнинг асосий талаби, барқарор ривожланишнинг муҳим шартлари ҳам шу асида. Янги технологиялар маркази ўз олдида мазкур тараққиёт жараёнининг энг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлишни мақсад қилиб қўйган. Демак, электрон хизматнинг янгидан янги турларини тақдир ва татбиқ этишда давом этади.

Мезон

Халқаро таълим дастурларидаги иштирок қандай афзаллик беради?

Дилшода НОРБОЕВА,
Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан рақобатлаша олиши меҳнат бозоридаги кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Бундай мутахассислар эса таълим муассасаларида ўқиб, улғаяди. Демак, сифатли таълим иқтидорли кадрларни юзага чиқаради, билимли мутахассислар эса ривожланган, бой жамиятни қуради.



Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган бугунги кунда инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланган.

Барча соҳадаги ислохотларни амалга оширишда аввал, албатта, халқаро тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижаларни кузатиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатларда юритилаётган таълим сиёсатининг қай даражада самара бераётгани халқаро рейтингларда ўз аксини топади.

ICILS, ICCS, TEDS, TIMSS, PIRLS, PISA, TALIS каби халқаро баҳолаш дастурлари орқали турли йўналишлар бўйича рейтинглар аниқланади ва эълон қилинади. Улар орасида энг нуфузлиси PISA баҳолаш дастури бўлиб, ундаги иштирокчи давлатлар сони 85 тани ташкил этади.



2021 йилда ўтказиладиган PISA халқаро тадқиқотида бизнинг ўқувчилар ҳам иштирок этиши, халқаро аренада Ўзбекистон ҳам ўзини муносиб тарзда намойён этиши учун қатор ишлар амалга оширилимоқда.

Президентимиз 2030 йилга бориб PISA халқаро баҳолаш дастури рейтингини бўйича жаҳоннинг 30 та илғор мамлакатни қаторига кириши устувор вазифа этиб белгилангани ҳам мазкур тадқиқотда муваффақиятли иштирок этиш масаласига давлат сиёсати даражасида юксак эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Бу тадқиқотнинг жозибаси нимада? У дунё таълим тизимида қандай таъсир этмоқда? Мазкур саволларга жавоб бериш учун PISA тадқиқотининг кўп йиллик таҳлилларига асосланган халқаро экспертлар, тадқиқотчилар мулоҳазаларига ҳамда PISA дастурининг асосчиси ва координатори, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Таълим департаменти раҳбари жаноб Андреас Шляйхернинг "Жаҳон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак?" номли китобига муурожаат этдик.

2015 йилда ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича PISA дастурида қатнашган 12 миллионга яқин ўқувчи ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича ҳатто оддий топшириқларни ҳам бажара олмади. Тадқиқотнинг мақсадли гуруҳига аҳолисининг даромади юқори ва ўртача даражада бўлган жаҳоннинг 72 мамлакатига яшайдиган 15 ёшли ўсмирлар кирганди.

Гарчи умумий ўрта таълимга сарфланган харажатлар бу даврда 20 фоиз ошган бўлса-да, сўнги ўн йил ичида Фарб мамлакатлари ўқувчиларнинг таълимдаги натижалари амалда яхшиланмади. Кўп давлатларда таълим сифати, мактаб жойлашган ҳудуд ва ўқувчилар яшайдиган жой ўртасидаги бевосита боғлиқлиқни кузатиш мумкин.

Бироқ вьетнамлик ва эстониялик ҳам таъминланган ўқувчиларнинг 10 фоизи таълим натижалари Латин Америкасининг баъзи мамлакатларидаги энг бой оилаларда улғаяётган ўқувчиларнинг натижаларидан юқори.

Кўп мамлакатларда энг ночор мактабларнинг ўқувчилари юқори натижаларга эришгани хусусида бир ўйлаб қўрайлик. Бугунги жаҳон таълим тизимида етакчи давлатларнинг кўпи фақат яқиндагина бу даражага эришганини ҳам ҳисобга олайлик. Демак, буни амалга ошириш мумкин ва шарт.

Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш бизга илғор таълим амалиётини кузатиш, инновацион таълим сиёсати ҳамда амалиётини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнлари, умуман, ўрганишимиз мумкин бўлган қўлгина муваффақиятли мисоллар билан танишиш имконини ҳам беради.

PISA дастурининг энг муҳим кашфиётларидан бири шуки, таълим тизимлари ўзгариши ва яхшиланиши мумкин. PISA маълумотлари ижтимоий ночорлик ва мактаб болаларининг натижалари ёмонлиги ўртасида байроқини алмаштиради. Модомики, айрим мамлакатлар ўзлаштиришни яхшилашга қаратилган сиёсат юритиши мумкин экан, нега энди бошқа давлатлар бундай қилолмайди?

Немис мактаб тизими анъанавий тарзда болаларни ўн ёшида турли йўналишлар бўйича ажратади. Бу жараёнда уларнинг баъзилари академик таълим йўлидан кетади ва интеллектуал ҳодим бўлиб етишади. Бошқалари эса касбий йўлдан кетади ва интеллектуал ҳодимларга хизмат қўради. PISA тадқиқоти бундай саралаш жараёни кўп ҳолда мавжуд ижтимоий-табақавий тузилмани мустаҳкамлаганини қўрсатади.

2000 йил аввалида Германия таълим соҳасига мўлжалланган федерал харажатларни амалда икки баробар оширди. Бу ислохотлар мамлакатдаги ўқитиш тизимини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Болаларни эрта ёшдан тарбиялаш кенг тўр олди. Мактаблар учун миллий таълим стандарти жорий қилинди ва кам таъминланган ўқувчиларга, муҳожирларнинг болаларига кўпроқ ёрдам қўрсатила бошлади. Тўққиз йилдан кейин PISA натижалари таълим сифатида ҳам Германияда сезиларли ижобий ўзгариш рўй берганини қўрсатади.

У нисбатан қисқа мuddатда ўз таълим тизимини яхшилаган ягона мамлакат эмас. Жанубий Кореянинг ўртача кўрсаткичи 2000 йилдаёқ юқори, аммо мамлакатдаги элита қатламнинг тор доира вакилларига PISA тадқиқотида ўқиш саводхонлиги бўйича юқори даражага эришганди. Ун йилдан камроқ мuddатда бу давлат юқори кўрсаткичларга эга ўқувчилар сони икки баробар ошди.

Эстония ва Финляндия европалик педагог ҳамда сиёсатчилар учун машур саёҳат йўналишига айланган. Бу мамлакатларда ўқувчилар 6 ёшга тўлгандан кейин мактабга боради ва бошқа давлатлардаги қараганда бир ўқув йилида машғулотларга кам вақт сарфлайди. Аммо ўн беш ёшида бу ўқувчилар ўз ижтимоий-иқтисодий мақомига қарамай, дунёдаги энг юқори кўрсаткичларга эришади. Фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш учун мамлакатлар таълимга маблағ сарфлаши зарур. Аммо ўқитишга бевосита киритиладиган инвестиция салмоғини ошириш таълимнинг ўз-ўзидан яхшилланишига олиб келмайди.

Масалан, йилига бир ўқувчи учун Венгрияда 47 минг, Люксембургда 187 минг АҚШ доллари ортиқ маблағ сарфланади. Бироқ иккала мамлакатнинг 15 ёшли ўқувчиларининг натижалари бир хил. Бошқача айтганда, муваффақият таълимга йўналтирилган маблағ миқдори билан эмас, балки унинг қандай сарфлангани билан ўлчанади.

Кўп ота-оналар болаларининг чуқур академик билим бериладиган, шу билан бирга, театр, мусиқа ёки спорт тўғрисида қатнаши учун имконият мавжуд бўлган мактабларда ўқишни хоҳлайди. Бу ҳар доим муҳим масала бўлган. Германия, Финляндия, Швейцария, Япония, Эстония, Швеция, Нидерландия, Янги Зеландия, Австралия, Чехия ва Хитой таълим тизими бу борада ўзига хос мувозанатни топишини уddасидан чиқди.

PISA дастурига ўхшаш халқаро тадқиқотлар мамлакатларнинг таълим тизимини ўзaro қиёслаш натижаларини акс эттирадиган ўзига хос кўзгулар. Яна, таълим натижаларини яхшилашга халал берувчи кўплаб омилларни илмий асосда аниқлаш ва баргараф этишга имкон яратиш, таълим тизимини муваффақиятли ислоҳ этишга хизмат қилади.

Эътироф

"THE NEW YORK TIMES"

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мақола Буюк Ипак йўли тарихи ва унда Ўзбекистоннинг ўзи хос ўрни, жамиятда ҳукмрон бўлган тузумларнинг унинг ривожланишига таъсири ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Унда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг кечмишидан то бугунгича бўлган тарихи ёдга олинади. Муаллиф ҳар бир тарихий шахсга бориб, уларнинг меъморий қиёфаси, инфратузилмаси ва туристик салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот беради. Таассуротларни баён этиб, бетақдор фотосуратлар билан уларни янада бойитган.

Мақола муаллифи Атиш Тейсер саёҳати давомида унга ҳамроҳ бўлган ёш жуфтлик — Азиз ва Мадина ҳақида ҳам қувноқ қизиқарли фактларни келтириб ўтиб, халқимизнинг содда, самимий ва меҳмондўстлигига алоҳида эътибор қаратади.

Тошкент ҳақидаги илк тасаввурлари ҳақида у бундай ёзади: "Узунлиги 22 километр бўлган Тошкент метросида улугвор станциялар жойлашган бўлиб, уларнинг бир нечтаси уч даражали авиазалар билан жиҳозланган. Биттасида эса фазовий муҳит яратилган. Тошкентда бўлган биринчи кунимда бу жой ҳақидаги тасаввурларимни ўзгартирадиган бир объектга дуч келдим. Мен шу пайтгача Тошкентни, масалан, Истанбул, Қоҳира ёки Бағдод каби катта исломий

пойтахт деб билмаган эдим. Лекин Ҳазрати Имом мажмуасини кўргач, фикрларим ўзгариди".

Самарқанд ҳақида сўзлар экан, ундаги хунарманлик намуналари, гўзал санъат асарларига пол қолганини айтиб, шаҳарни ҳақиқатан Марказий Осиё тарихидан сўзлайдиган мукамал манба, дея таърифлайди. Бухорога эса ҳақиқий "музей шаҳар", деб баҳо беради. У юзлаб мадраса ва қарвонсаройлар шахри ва юзга яқин масжидларни кўргани ва тарихий руҳ акс этган кўчаларни ёлғиз сайр этгани ҳамда юрагидега кечган ҳис-туйғуларини баён этади. Хива тўғрисида сўзлаганда, муаллиф Қизилқум чўлларига Буюк Ипак йўлининг карвонлари

ни кўргандек бўлдим, дея таъкидлайди. "Қизилқум чўли гўё табиий газ денгизи узра сузиб юради. Ер саксовул деб номланган хира яшил-пушти бута билан қопланган эди. Бир томонда Амударё қумуш ранга оқар эди", дейди у.



Кун мавзузи

Хайру саховатга, ўзгаларга кўмак кўрсатишда кимўзарлик қилган инсонлар жаннатга ҳам кимўзарлик ила киргай. Алоуддин Самарқандий

“ФУТУВВАТ БАРЧА ҚИЛМАҚДУР, ДЕМАК ЙЎҚ”

Ойбек АБДУМЎМИНОВ, Фанлар академияси хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази директори ўринбосари

Коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши тараққиётнинг юксак чўққисини заб этганини даъво қилаётган ривожланган давлатларни ҳам жиддий қалқитди. Улардаги бир маромдаги ҳаёт тарзи ўзанини бошқа тарафга буриб юборди. Барча мамлакатлар қатори вирус Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Тан олиб айтиш кераки, ушбу касаллик ҳали мамлакатимизга кириб келмасдан, одамларда ташвиш, яъни бизнинг шифокорлар бу касалликни аниқлай, даволай олармикан, деган ҳақик ҳам бор эди. Бироқ бунуни кунда Ўзбекистон таърибаси ўзини оқлаётганини ҳар бир фуқаро ич-ичидан ҳис қилиб турибди. Ҳар кун кўплат беморларнинг ушбу дарадан фориг бўлаётгани, халқаро стандартларга жавоб берадиган катта сифмилли карантин зоналари ва шифохоналарнинг қурилаётгани фикримиз исботидир.

Шу ўринда масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, у аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва моддий аҳволи билан боғлиқ. Зеро, айни пайтда бутун жаҳонда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи глобал муаммага айланган бўлди. Шундай шариқта ҳам Ўзбекистонда ишчилар, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатувчи “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фаолияти йўлга қўйилди. У орқали республикамизнинг барча ҳудудларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўтмишда ҳам бой-бадавлат, тадбиркор кишиларнинг кўпидоим халққа моддий ва маънавий ёрдам бериб келган. Хусусан, Хожа Аҳрор Валий йирик мулк, ер-сув эгаси бўлган. Лекин у бу бойликдан тарикат, дини ислом, бева-бечоралар, камбағалларга ёрдам кўрсатиш йўлида фойдаланган. Кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини олиб бориб, масжиду, мадрасалар бунёд этган. Халққа солинган солиқларни тўлаб, уларни моддий ва

маънавий қўллаб-қувватлаган. Жумладан, Умаршайх Мирзо Шош аҳолига 250 миң динор солиқ солганда, Хожа Аҳрор бу солиқнинг ҳаммасини ўз ҳисобидан тўлагани фикримиз далилидир.

Ўрта асрларда яшаган карманлик Қосимшайх Азизон эл бошига келган вабони ўзига сураб вафот этгани тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, йирик давлат арбоби, башарият шоири Алишер Навоий ҳам барча маблагларини хайру саховат ва бунёдкорликка сарф этган. Тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида ёзишича, “Алишербекиннинг бир кунлик даромади 18 миң шохруҳий динор эди ва бу даромаднинг ҳаммасини хайрли ишларга сарф этарди”. Ҳазрат Навоий ҳар кун мискин-ночор, заиф ва бева-бечоралар, талабалар, мусофирларга озиқ-овқат, кийим-кечак, маблаг билан ёрдам берган. 1500 йили Ҳирот халқининг 100 миң динорлик қўшимча солиғини ўз ҳисобидан тўлаб юборгани тўғрисида далиллар мавжуд.

Хондамирнинг таъкидлашича, Халосия хонақосида ҳар йили Навоий томонидан муҳтожларга 2000 та пўстин, чопон, кўйлак-иштон, салла-бош кийим, кавуш кабилар улашилган. Бундай мисоллар тарихимизда жуда кўп. Биргина Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик фазилатлари яна бир бор яққол намоен бўлган. Хусусан, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Зиёевнинг ёзишича, Ўзбекистон мудофаанинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда

туриб, нимаки зарур бўлса, барчасини аямой сарфлади. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 миллион сўм нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўм заём пули, 52,9 кило олтин ва кумуш топширилди. Армияга 7 миллион 518 миң 800 та гимнастёрка, 2 миллион 636 миң 700 пахталик, 2 миллион 221 миң 200 этик ва кўнжли ботинка юборилди. Енгил саноат вазири қорхоналари томонидан фронтга 246 миллион 918 миң 700 сўмлик маҳсулот жўнатирилган. Бундай мисоллар жуда кўп. Ҳатто Ҳасан ота Исламов исмли ватандошимиз 1941 йили фронтга олма олиб борган.

Фанда тарих тақорланадиган назария мавжуд. Бугун дунё аҳли кўринмас ёв билан олишаётган айни шариқта “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг ташкил этилиши муҳим воқеа бўлди. Бу ташаббуслар халқимизни бирлаштириш ва яқдил бўлишга ундади. Мураққабо шариқта юрдошларимизнинг ўзаро ёрдам ва муруват кўрсатиш каби хислатларини намоен этипти.

Улуғ ҳадид алломаси Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йили “Самарқанд” газетасида эълон қилган “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” номли мақоласида: “Миллатлар тараққийиға бир неча сабаблар бўлб, туб сабаби уламо ила агниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилғувчи миллатлар аҳолиға диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатларига сўз ва оқча ила хидмат этганлари фавран зоҳир бўлур”, деб таъкидлаган эди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати мамлакатимиз ва халқимизнинг пандемия устидан ғалаба қозонишида катта аҳамиятга эга бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу ҳаракатда фаол иштирок этган саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа кишилар, албатта, энг янги тарихимизнинг янги қаҳрамонлари сафидан жой олади. Уларнинг халқ ва миллат олдидаги хизматлари ҳақида китоблар битилади.



Охириги пайтда дунёда ҳар кунини 90-100 миң нафар инсон коронавирусни юқтириб олмақда. Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони 4,2 миллиондан ортиб кетди. Минг афуски, уларнинг 292 миң нафардан зиёди оламдан ўтди.

Таъкидлаш зарурики, дунёнинг кўплат мамлакатларида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият ўзгаришсиз қолмоқда. Ҳатто пандемияга қарши муваффақият билан курашган Жанубий Кореяда бир ойлик пасайишлардан сўнгра коронавирусга чалинганлар сони яна кескин ошди. У ерда сўнгги суткада вирус юқтирганлар сони 54 кишига кўпайди. Бу 12 апрелдан буён қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Эътиборли жиҳати, Жанубий Кореядаги янги касалланган ҳолатларнинг барчаси ўз-ўзини изоляция қилмаган битта бемор билан боғлиқ.

Шу йил 7 май кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари: “Хар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт”, деб бунунинг куннинг энг устувор тамойилини яна бир бор белгилаб берди.

Республикамизда карантин чекловлари юмшатилиши баробарида зийраклик ва эҳтиёткорлик билан карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз зарур.

Афсуски, айрим фуқаролар бугунги вазиятда мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш ва шу орқали санитария-эпидемиология вазият бақарорлиғига ҳимоя қўйиш ўрнига ўзи ва бошқаларнинг ҳаётини ҳавф остида қолдириб, эпидемияга қарши кураш қоидаларини қўпол равишда бузмоқда. 2020 йил 10 май кунини Ўзбекистонда коронавирус аниқланганлар сони аввалги кунлардан кўпайиб, 69 нафарни ташкил

Карантин юмшатилиши бемалолликни эмас, қатъийликни талаб этади

Ўткир ҲАСАНБОВЕВ, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси масъул ходими

этгани барчамизни карантин талабларига риоя этишда ҳушёрлигимизни оширишимиз зарурлигини кўрсатади. Таассуфки, пандемия тўғрисида ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимаслик ҳолатлари ҳам учраётгани кишини қаттиқ ташвишга солади. “Бирниқи — минга, мингани — туманга”, деган гап бор халқимизда. Арзимас баҳона билан карантин қоидаларини писанд қилмай, ваз-қарсонлар тўқитган қимсаларнинг максасиди нима? Ахир, улар ҳам вазиятни яққол кўриб, сезиб туришибди-ку.

Исломи динда инсоннинг юқумли касалликларга сабр қилишига улуғ савоблар ваъда қилинган. Агар бирор жойда вабо ёки ҳалок қилувчи юқумли касаллик тарқалса, у ердаги киши сабр қилса, унга шахидлик савоби берилади. Агар бирор кимса бе-сабрлик қилса, у бу аждан бебахра қолади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро берилган тасвие ва кўрсатмаларга амал қилмаса, аввало, ўзининг, оиласининг, яқинларининг ҳаётига катта ҳавф туғдириши, ҳатто умрига зомин бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур.

Уламолар иттифоқ қилган қоида шуки, Исломи шариати ҳукмларининг мақсади бешта асосни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, улар жон, дин, насл, мол ва ақлдор.

Қуръони каримда: “Аллох сизларга энгликни хоҳлайди ва сизларга кийинчиликни хоҳламайди” (Бақара сураси, 185-оят), дейилади. Бошқа ояти каримада: “...ўз қўлларинг билан ўзларингнинг ҳалокатга ташламанлар...” (Бақара сураси, 195-оят), дейилган.

Ҳазрати Пайгамбаримиз алайҳиссалом: “Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ”, деганлар. Жонни асраб-авайлаш тўғрисида булардан бошқа ҳам кўплат диний кўрсатмалар мавжуд.

Мўстабар фикрий китобларда: “Айни пайтда саломатликка ва келажакда тинч-тотувликка сабаб бўладиган нарсая амак қилиш шариат ва ақл нуқтала назардан вожиб ҳисобланади”, деб баён этилган.

Афсуски, айрим жойларда жаноза каби диний маросимни амалга оширишда республика маҳсус комиссиясининг карантин буйича талабларига, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тўғрисидаги фатвосига амал қилмаслик оқибатида но-хуш ҳолатлар содир бўлмоқда.

Исломи динда инсонлар ўз раҳбарларига, айниқса, ҳозирги каби таҳликали даврда ҳар бир мусулмон диний масалаларда уламоларнинг, саломатлигини сақлашда эса табиб-шифокорларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя этиши талаб қилинади.

Жумладан, вилоятларимизнинг бирда жаноза ва дафн маросимида белгиланган карантин талабларига риоя этмаслик оқибатида кўп сонли фуқароларни карантинга олишга мажбур бўлибди.

Инсонлар манфаатини юзага келтириш ҳамда улардан зарарни даф қилиш Исломи динда баён этилган олий ҳикматдир. Жамоавий намозларни адо этиш суннат бўлса, лекин уларни адо этиш билан зарар келиб чиқса, ана шу зарарнинг хавфи устун кўрилади. Пандемия шариқтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг бошқа мусулмон мамлакатларида каби қабул қилган фатво ва қарорларига зид равишда хонадон ва масжидларда жамоавий намозларни адо этишга ҳаракат қилиш ёки жаноза, дафн маросимларида белгиланган (10–15 киши) ададдан кўп одамларни тўплаш мусулмонларнинг жони ва соғлиғини хатарга қўйишни унутмаслик керак.

Исломи динда инсонлар ўз раҳбарларига, айниқса, ҳозирги каби таҳликали даврда ҳар бир мусулмон диний масалаларда уламоларнинг, саломатлигини сақлашда эса табиб-шифокорларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя этиши талаб қилинади. Касаллик тарқалишининг олдини олиш буйича ҳукумат, шифокорлар ва уламолар қандай йўл-йўриқ ва тавсиялар беришса, уларга амал қилиш зарур. Зеро, ояти каримада: “Ай имон келтирганлар! Аллохга итоят этингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан (бўлимиш) бошлиқларга итоят этингиз!” деб таъкидланган (“Нисо” сураси, 59-оят).

Бугун ҳар қачонгидан кўра, амрга итоят этилган, бирлашадиган, жиғлашадиган муваққат даврда яшаётимиз. Халқимизда “Ҳар бир тун ортида тонг бор”, деган нақл бор. Бу ўзда жуда катта умид ва ишончини жамлаган иборадир. Тушунган ҳолда итотимиз, чиройли сабримиз, хайрли амалларимиз ила бундай синовли кунларни енгиб ўтсақ, эртага тинч-тотув, хотиржам, тўкин кунларга етамиз, албатта.

Ҳар биримиз зиммимиздаги вазифаларга янада масъулият билан ёндашиб, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилишимиз, энг бебаҳо неъмат бўлган сиҳат-саломатликни асраш ва ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни амалга оширишимиз шарт.

Тадбиркорлик — тараққиёт таянчи

Андижонлик ҳунармандлар лойиҳалари юқори баҳоланди

Бошланиши 1-бетда

— Танловда тўртта йирик лойиҳамиз эътироф этилиб, грант маблаглари ҳисобидан молилаштирилди деган бўлди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Шахлохон Солиева. — Ташаббускорларнинг ўз маблагларини қўшиб ҳисоблаганда йил охиригача 4 миллиард сўмдан ортиқ манзилли ва мақсадли ишлар амалга оширилади. Лойиҳа ташаббускорлари хайрли ҳаракатларни бошлаб юборишган.

Ҳунарманд Искандар Тургунов Андижон шаҳри “Ербоши” маҳалласида қиймати 1, 32 миллиард сўмлик “Табиий чармдан эрак ва аёллар учун сумка, аксессуарлар ва пойабзал ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини шу чорақда ишга туширишни мўлжаллади. У яқна тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади. Ташаббускорнинг ўз маблаг 760 миллион сўми ташкил этади. Табиий чарм маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида 50 та иш ўрни яратилади. Уларнинг 7 нафари малакали мутахассис. Бир йилда 985 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиши мақсад қилинган. МДҲ ва Европа давлатларига экспорт ҳажми 42,1 миң АҚШ доллари деб белгиланган.

Яна бир лойиҳа муаллифи, бутун Ўзбекистонга чолғу асбоблари ясаши билан донг таратган уста Абдумалик Мадрасимов театр ва рақс санъати учун маҳсус кийимлар



ҳамда миллий музика асбоблари ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш ҳаракатида. Лойиҳа Андижон шаҳри “Янгиҳаёт” маҳалласида 4-чорақда ишга тушади. Ёғоч, шойи, адрас, атлас ва замонавий матолар уйғунлигида миллий ва жаҳон чолғу асбоблари, сахна кийимлари тайёрлаш учун 80 нафар ишчи кучи жалб этилади. Уста маррани банд олган. 63,4 миң АҚШ доллари ҳажмида экспортбоп маҳсулотларни ташки бозорга чиқаради.

Ҳунарманд Оятилло Мамадалиев анчадан буён мебелсозликка қизиқгани боис, ўз брендини яратишни дилгига тугиб қўйган эди. Бунда, албатта, устозларидан ўрганган маҳорати, ишланшлари қўл келди. Шу мақсадда “Муаллифлик мебелларини тайёрлаш ҳамда беэак учун мебел аксессуарларини ишлаб чиқариш” лойиҳасини республика танловига тақдим этди. Унинг

ишланмаси аниқ мақсадга эгалиги, икhtiмий-иқтисодий фойда келтириши, экспорт салоҳияти жиҳатидан юқори баҳоланди. Яқин кунларда Андижон шаҳри “Саноат” маҳалласида 75 нафар ёш ш у ерда меҳнат қилиб, рўзгорини тебатради. Ҳунарманд кўши давлатлар тадбиркорлари билан музокаралар олиб бормоқда. Насиб қилса, экспорт қўлими 20,9 миң АҚШ доллари ҳажмида бўлади.

Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уста-шоғирд мактабини шакллантириш лойиҳаси билан ғолиб бўлган жалақудуқлик Анваржон Умаров худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига бевосита ҳисса қўлишни мақсад қилди. Узи яшаётган “Гулистон” маҳалласида 11 нафар малакали мутахассис ёрдамида етмишга яқин ҳамқишлоғини шогирдлиқка олди. Улар умумий қиймати 550,0 миллион

сўмлик иш бажаришга бел боғладилар. Тайёр маҳсулотлар кўши давлатларга экспорт қилинади. Бу ташқи бозордан 3,5 миң АҚШ доллари кириб келади, дегани.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди уюшма раҳбари Шахлохон Солиева. — Йил охиригача 1017 та лойиҳа асосида 4 100 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Биринчи чорақда 2327 та иш ўрни яратилди, бу эса режанинг 58,8 фоизни бажарилганини кўрсатади. 338 нафар ҳунармандга 9 миллиард 454 миллион сўм кредит маблаглари ажратилди. 998 нафар уюшманг ёш ҳамда 1007 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Йиллик дастурга қўшимча қиймати 64 миллиард 380 миллион сўмлик 1 миң 911 та лойиҳа шакллантирилди. Бунинг ҳисобига 4 миң 600 та янги иш ўрни яратилди. Натижада йил якунига қадар жами 8 миң 700 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ҳар бир туманда ўзига хос ҳунармандчилик йўналишлари ривожланган. Масалан, шаҳрихонлик Холматхўжа Аллахўжаев ўзининг пичоқлари билан машҳур бўлса, Избосқанда ёғоч уймақорлиғи бўйича Утагановлар сулоласи таниқли. Турли йўналишларда фаолият юритаётган ҳунармандларнинг муаммоларини ҳал этиш, рағбатлантириш ва бирлаштириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар самара бермоқда. Соҳага янгича қарашлар, тизимли иш тутуми жорий этилаётир. Асосийси, ўз ҳунари билан оиласини таъминлаётган, янгиликлар яратаётган ва меҳнат маҳсулини дунёга танитаётганлар сони ортиб бораётгани қувонарли.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАГАН ва СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Мамлакатимизда коронавирус инфекциясидан даволаниш кўрсаткичи 79 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозирча Фарғона (99 фоиз), Бухоро (98 фоиз), Андижон (96 фоиз) вилоятларида энг юқори соғайиш кўрсаткичлари қайд этилмоқда.

Худудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи	Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	120	110 92%	
Андижон вилояти	169	162 96%	
Бухоро вилояти	440	433 98%	
Жиззах вилояти	3	3 100%	
Қашқадарь вилояти	6	6 100%	
Навоий вилояти	17	2 12%	
Наманган вилояти	246	202 82%	4
Самарқанд вилояти	214	103 48%	1
Сирдарь вилояти	33	14 42%	
Сурхондарь вилояти	43	40 91%	
Фарғона вилояти	158	156 99%	1
Хоразм вилояти	233	210 90%	
Тошкент шаҳри	929	635 68%	5

Уз она тилини чуқур ва пухта ўрганган шахсина бошқа тилларни ҳам меҳр билан ўрганади. Чунки тил вужудимизда ҳукм сураётган муҳитни, ички кайфият ва туйғуларимизни, тафаккуримизни ифодалайди. Тил ва дил бирлиги сифатида намоен бўлади.

Тил – миллат ғурури

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МУЛК



Ҳабибулла АЗИЗОВ,

Давлат божхона қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Инсоннинг шаклланиши, камолотга етишида унга она сути нечоғли муҳим бўлса, тил ҳам шунчалик катта аҳамият касб этади. Она сути танга моддий озуқа бўлса, она тили қалбга маънавий озуқа сифатида миллийлик, комилликни синдрлади. **Ўз она тилини эзозлаш, севиш ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, унинг замирида ўзликни англаш, яъни ота-она, халқ, устозу пирлар берган ном, илм-тарбия ва элга ҳурмат ётади.**

сининг кунжага қўйиб келишимни сўраганди. Бундан бира ишлайдиган дўстларни таажубга тушиб, "кунжак" сўзининг мазмунини тушунишмаган. Ҳозирги кўпчилик ёшларнинг оддий "дахлш" "адоқ" каби сўзларнинг маъносини тушунаётганликлари ачинарлидир. Ваҳоланки, нафақат тил-шунос ва адабиётчилар, балки ўзини миллатимиз фидойиси деб ҳисоблайдиган ҳар бир шахс туркий тилдаги асарларни, мумтоз адабиётимиз намуналарини ўқиб, уларнинг изоҳли лугатларини ўрганиб, касбимизга мос, қолаверса, умумқўпланладиган истилоҳ ва сўзларни топишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Коронавирус пандемияси сабаб юртимизда фаолият юритаётган бошқа дин ва конфессиялар уламоларининг, хорижий давлатлар элчиларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарларининг ўзбек тилида "Ўйда қолинг!" деган мурожаатлари, Ўзбекистонда қисқа муддат ашаб кетган финландиялик Биңьямин Паткенаннинг маҳаллий матбуотимиз муҳбири билан соф ўзбек тилидаги суҳбати, славян халқларига мансуб қатор олиму олималарнинг ўзбек тили ва адабиётидан илмий-тадқиқотлар олиб борагани ҳар биримизда ифтихор туйғусини уйғотади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувиغا келгандан бошлаб халқаро ташрифларда, анжуманларда, юқори миқдордаги чиқишлари, фахрий меҳмон сифатидаги эсдалик битикларининг соф ўзбек тилидаги ҳар биримизга ёқимлидир. Бу ўзбек тилининг дунё сахнасига чиқиши, тўлиқ сиёсий тил даражасига кўтарилишини таъминламоқда. Маърифатпарвар аллома Алихонтўра Соғуний ўз она тили қадрига етмаслик ва унга аҳамият бермасликни ўз она тилдан абадий ажрамоқликка, миллий ҳиссиётларини йўқотишга тенглаштирган ҳамда бу ишни инсоният олами олдида улуғ хиёнат, кечирилмас жиноят деб ҳисоблаган.

Бугунги таҳликали замонда ва глобаллашув шароитида она тилини эзозлаш, унинг ҳурмати-ни жойига қўйишда Президентимиз барчамизга ўрнатқан бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари хориждаги элчининг ўзбек тилини билишини мамлакат обрўсини белгилайдиган асосий мезон сифатида эътироф этиб, "Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлса-ю, ўзбек тилини билмаса, бу халқимизга хиёнат эмасми?" деган сўзлари давлат тили сиёсатининг қай даражада мустақам эканидан далолатладир.

Бунларга жавобан мезон ёки меҳмон давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари ва бошқа нуфузли шахсларнинг ўзбек тилида сўзлаши, миллий адабиётимиз намояндалари иходларидан намуналарни ёддан айтиб бериши бунга яққол мисолдир. Яқинда бўлиб ўтган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман тарзидидаги саммитида ҳам давлатимиз раҳбарининг нуқтаи осп ўзбек тилида баён қилинди.

Президентимиз "Жўшқин Гужарат" саммити доирасида Ҳиндистонга ташрифи давомида ҳам ўзбек тилида нуқта сўзлади. Афғонистон муаммоларига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзудаги халқаро конференцияда ўзбек тили сиёсий тил сифатида қўлланиди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро миқдосдаги нуфузи кўтарилишига, имижга яхшиланишига, фаол минтақавий етакчи сифатидаги позицияси белгилинишига хизмат қилди.

Мени илҳомлантирган яна битта тадбир давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи доирасида Туркия Республикаси Президенти кутубонаси мажмуасининг очилиш маросимида қатнашгани

бўлди. Унда давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига кутубхонанинг илк меҳмони сифатида эсдалик битигини ўзбек тилида ёзганлиги ва битикларнинг телевидение орқали кўрсатилган бошқа тилларни ҳам меҳр билан ўрганади.

Ўз она тилини чуқур ва пухта ўрганган шахсина бошқа тилларни ҳам меҳр билан ўрганади. Чунки тил вужудимизда ҳукм сураётган муҳитни, ички кайфият ва туйғуларимизни, тафаккуримизни ифодалайди. Тил ва дил бирлиги сифатида намоен бўлади. Бирор тилда яхши гапирган ёки муомала қилган шахс тилининг билимдонига айланиб қолмайди. Тилни мукамал билиш учун унинг тарихини, тил назариясини, қондаларини мукамал билиш шарт. Тажрибалир кўрсатадики, тилшуносликнинг умумий назариясини эгаллаган инсон бир оилага мансуб тилларни осонгина ўзлаштира олади.

Божхона хизмати идоралари фаолиятининг ҳам тил билан боғлиқ ўзига хос, ўта назик хусусияти шундан иборатки, шахсий таркибининг барча-си тил, аввало, давлат тилини билишининг юқори кўникмасига эга бўлиши тақозо қилинади. Чунки божхона идораларида озғани ва ёзма иш юритиш давлат тилида амалга оширилгани белгилангани билан чегарада божхона кўриги ва расмийлаштирувдан утаётган сайёҳлар, хорижий ҳамкорлар, бошқа миллатларга мансуб йўловчилар, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан мос тилда мулоқот қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабаб тизимда давлат тили масаласи шахс қўмита раисининг ўзи томонидан назорат қилинмоқда. Ходимларни хизматда янгидан қабул қилиш ҳамда Божхона институтига қабул жараёнидан олдин номзодларнинг давлат тилини билиш даражаси ўрганилади. Бу сифат ҳодимнинг коммуник даражаси ҳамда етарли тил қўникмасига ағалик мезонини белгилайди.

Ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, таълимнинг бақалавр, магистр босқичларида, шунингдек, мустақил равишда ўрганиш юзасидан ўзбек тили ва давлат тилида иш юритиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилади. Бу ишларга бош-қош бўлиш учун Божхона институтига алоҳида тиллар кафедраси мавжуд. Катта олимлар ва амалётчи мутахассислар билан ҳамкорликда божхона истилоҳларига оид лугатлар, қомусий лугат, сўзлашчиқлар, ўқув қўланмалари яратилган ва мунтазам тақомиллаштирилиб боришмоқда. Ҳозир янги тахрирддаги "Давлат тилида иш юритиш" қўланмаси ва "Божхона қомусий лугати" яратилиб, чоп этишга тайёрланди.

Давлат божхона қўмитасида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалаларига диор амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича дастур ишлаб чиқилди. Давлат тилига оид қонунчилик талаблари ихросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси ва унинг таркибий тузилмаларида иш давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасида эса давлат тилида ва қорақалпоқ тилида юритилиши белгиланган ва қатъий амал қилинмоқда.

Умуммажбурий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳам бу қондага қатъий риоя этилмоқда. Бу йўналишда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари билан яқин ҳамкорлик ва назорат ўрнатилган. Амалётда қўлланиётган расмий иш қозғалири шакллари тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди. Таркибий тузилмаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича масъуллар фаолият юритилмоқда.

Тизимда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, тилимиз таррақийети ва ривожланишини таъминлаш, уни тизимда таълим-тарбия тили, сиёсат тили, интернет тилига айлантириш, лисоний хазинасини бойитиш, божхонага оид истилоҳларни миллий қадриятлар ва бой тарихимизга танган ҳолда соф ўзбек тилига ўтказиш борасида инновацион ёндашувлар асосида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Она тилимизни дунёдаги энг бой ва жозибдор тиллардан бири бўлишига самарали ҳисса қўлишни ўзимизнинг бош мақсади-миз деб биламиз.

Бугуннинг гапи



Рахмон КўЧҚОРОВ,

Тошкент давлат юридик университети доценти, филология фанлари номзоди

Катталарнинг ёшлар ҳақида, уларнинг юриш-туриши, ахлоқи борасида оғриниб гапирганларини эшитсам, беҳтиёр устозим Озод Шарафидинов домланинг фариштали юзига чиройли кулги ёйилган айтган сўзлари ёдимга келаверади: "Одамзод пайдо бўлгандан бери шу гап — катталар доим ёшлардан норози, уларнинг фақат камчилигини кўради. Қай бир китобда ўқиган эдим. Ҳўв ибтидода ўша даврнинг котиби — бош муншииси харсанг тошнинг текис томонига астойдил ўйиб битаётган эмиш: "Ҳозирги ёшлар айниб кетди..." деб".

Ўзбекнинг болалари халқ бўлажак

Буни қарангки, Озод домланинг ўзи айни масалада мутлақо бошқача ўйлар, тенг-курларидан қура, ёшлар билан кўпроқ "чиқишар эди". Қаренда бўлмасин, ялт этган истеъдодни, бошқачароқ фикрлайдиган ёш замондошини учратса, беҳад хурсанд бўлар, у ҳақдаги таассуроти билан тўлқинланиб ўртоқлашарди: "Бало" бола экан, одамнинг хаёлига келмаган гапларни айтаяпти, жуда кўп нарсани билади шу ёшида, илоё, кўз теғмасин буларга...". Домла мана шундай ёшлардан, умуман, ёш авлод вақилларидан эътиборини ҳам, қўлидан келган ёрдамни ҳам аямас эди.

Албатта, ҳамма ҳам у кишидек ўйламайди, ўйлаш олмайдими. Балки шуниси ҳам тўғридир, бунда-да бир ҳижмат бордир. Лекин бир саволни ўзимизга бериб қўришга, қариб, ҳаммамиз масъулмиз, мажбуриямиз: бугунги ёшлар қанақа? Уларнинг билим-савияси, маънавият ва маърифати, дунёқараш ва ниятлари қандай? Ростдан ҳам улар "айниб кетган"ми?

Камининг тушунишча, бу дунёда Аллоҳнинг бири борлигидан бошқа мутлақ ҳақиқат йўқ, ҳамма нарса нисбий ҳақиқатда мавжуддирки, ҳозир бу нуқтаи назарни бафуржа изоҳлаш мавриди эмас. Уни эслатишдан мурод эса у ёшлар бу нарса кўпроқ нисбатда, қиёсда ўрганилса, идрок этилса, баҳоланса, ҳар жиҳатдан адолатли, маъқул иш бўлишини таъкидлаш, холос.

Биз — ҳозир олтимиз ёшни қоралаб бораётган авлоднинг ёшлик йилларига назар солсақ, муйайн ижобий манзаралар билан бирига, бугун афсус билан тилга олинадиган анча-мунча армонли ҳолатлар ҳам ёдга қалиб қиқиши аниқ. Энг алам қиладигани — бизнинг айни ўқиё-ўрганадиган, қўриб таъсирланадиган, тасаввур ва тафаккур доирамиз шаклландирган йиллар шўровий тақрирлар, ахборот ва маълумот танқислиги, плюрализмнинг қатъий ман этилиши муҳитида кечди. Дунё фани, адабиёти ва санъати, фалсафаси ва эстетик фикрининг энг илғор намуналаридан бебаҳралик, ҳатто ўзимизнинг Чўлпон, Фитрат, Бөхбўдий сингари мунавбар сиймоларимиз китобларидан бенасиблик, хоҳлаймизми-йўқми, биз ва биздан олдинги авлодларнинг кўргулиги бўлди...

Энди шу нуқтаи назардан бугунги ёшларга, уларнинг жуда кўпчилиги фаол фойдаланган вақт эркинликка, унинг самараларига диққат қилайлик. Хусусан, биз дарс бераётган Тошкент давлат юридик университетининг аксарият талабалари она тили билан бирига камидда битта, айримлари эса бир неча хорижий тилда бемалол ўқий олади, ёза билади. Бўлгуси ҳуқуқшунослар фақат мутахассислик фанларини эмас, балки "Сиёсатшунослик", "Шахсий ривожланиш", "Ахборот технологиялари", "Иқтисодий асослари" сингари умумтаълим фанларини ўқиш асосида ўзларининг тафаккур доирасини, дунёқарашини кенгайтириш, адолат, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш икониغا эга. Улар, масалан, камина билан Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Ф.М.Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо", "Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар", Л.Толстойнинг "Икромнома", Ф.Ницшенинг "Зардушт таваллоси", Э.М.Ремаркнинг "Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ", А.Камьюнинг "Вабо", П.Козловнинг "Алким-дуст", И.Буничининг "Партиянинг олтинлари", Х.Дўстмухаммаднинг "Оромкурси", Абдували Кутбиддиннинг "Изоҳсиз лугат" сингари юзлаб асарлари устида бемалол баҳслаша оладилар. Энг қувонарлиси, бу баҳсларда ниҳоятда ранг-баранг қўрилган, баъзан эса фақат ўзбекнинг бугунги боласи ақлу шуурида пайдо бўлиши мумкин бўлган фикрлар, талқини таҳлиллар дадил ўртага ташланади. Инчунун, улар бу билим ва қўникмаларни баҳо олиш илиқинида ўзлаштиришга аниқ — бизнинг университетда "Адабиёт" фани ўтилмайди. Уларни бунга эътибор, қалб талаби, қадам-бақадан тикланаётган шахсининг истаги дэъват этмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг кўзга қўринган илм даргоҳларида таҳсил олаётган, уларни биттириб энг нуфузли компания ва масъулларда хизмат қиляётган минглаб ўғил-қизларимиз-чи! Бу ёшларнинг аксарияти порахўрлик, калонди-

моғлиқ инсонга бепасандлик, маишатпарастлик сингари иллатлардан ниҳоятда узоклиқлари билан кишида умид ҳамда келажакка ишонч пайдо қилади.

Яна бир қиёса эътиборингизни тортаман. Бизнинг ёшлик йилларимиз — ўтган асрнинг 70-80 йилларидаги ароқа, ичкиликка оммавий муккасидан кетиш ҳолатларини хали кўпчилик унутмаган чиқар. Унинг деворини оқлаб қўйишга ҳафсала қилмаган одамлар қиладиган тўйларда ҳам, дастурхон ҳаминқадар бўлса-да, қириқ-эллик яшиллар ароқ тортилиши оддий ҳолга айланган, ёшларнинг қойналардаги ўтиришлари шу оғусиз ўтмас, йигирма ёшга етганки йигитнинг чекини, ароқ ичишни бошламаслиги "йигитчиликка тўри келмайдиган иш", деб баҳоланар эди. Шунга яраша оилавий, миллий турмуш, тирикчилик, маданий ва маърифий даража...

Шўқрки, бугунги ёшларнинг мен билган жуда катта қисми мана шу иллатларга мутлақо яқинлашмай ҳаёт кечиряпти. Улар сигарет чекиш, ароқ ёхуд пиво ичиш кун ўтказишдек маъноси эҳётни тасаввур ҳам қила олмайдими, керак бўлса, бундай тирикчиликни тушунайми-ди ҳам. Бу дегани улар ўзбекчиликдан чиқиб қолган, анъаналардан узоклашиб кетган, дегани ҳам эъсас, асло. Бу ёшлар мана бирига ўқиган, ённа-ён ишлайдиган дўстлари билан икки-уч ойда бир бор замонавий, тоза ва озода чойхона-гузарларда ўтиришлар уюштиришди, девзира ёхуд лазер гурунда чиройли ош дамлашди, суҳбат — гурун қуришди. Уларнинг дастурхонлари спиртли ичимликларсиз, суҳбатлари эса бақана гийбатларсиз, беларда латиқаларсиз ўтади.

Узаро керакли билимларни улашиш, дунёнинг турли нуқталаридан қўриб-билинган тажрибалир билан ўртоқлашиш, замонга мос ақли, беозор ҳазиллар бу нақирон ўзбек болалари давраларини мунавбар айлайди. Чойхона-гузарларни тарқ этишар экан, ўзларига хизмат қилган кишиларга самийий раҳмат айтиш, агар паловни чойхонача дамлаб берган бўлса, "ош зўр бўлибди, амаки, қўлингиз дард кўрмасин!" дея миннатдорлик билдиришини-да унутишмайди бу йигитлар.

Тошкент кўчаларида неча бор гувоҳ бўлам: одамлар елкасида лопиллаб бораётган тобутини кўриши билан хоҳ пиёда, хоҳ қимматбаҳо улов — автотомобилда бўлсин, ўзининг омуши ҳар қанча зарил бўлмасин, дарров тобутқашлар орасига қўшилишни, камидда етти қадам кузатган, нотаниш марҳумнинг ортидан юзларига фотиҳа тортиб қолувчи ёшларни биров бу ишга мажбур қилганини ҳам биламан, ичимда Яратганга шўқроналар келтираман. Шу қадриятлар борки, миллат бор, халқ бор. Шу қадриятларни давом этирувчилар борки, келажак бор, унга умид ва ишонч бор!

Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари кўз-кўз қилиши ҳохламайди, телевизор радиоканаллардаги лавҳа ва интервюларда кўрсатилиб айтилмайдиган мана шу сингари қадриятлар, айниқса, кейинги уч-тўрт ой ичида — бутун инсоният, жумладан, бизнинг халқимиз ҳам жиддий синовдан ўтаётган кунлари беҳиёр оламга намоен бўлди. Соғлиқни сақлаш, ички ишлар, Фауқуллода вазиатлар, Молия вазирилари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура тизимларида туну кун хизмат ўтаётган, волонтерлик ҳаракатига қўшилган ўн минглаб ёшларимиз, билайликми, мустақиллик йиллари дунёга келган, миллий тикланиш жараёнининг барча мураккабликларини бошдан ўтказган фарзандларимиздир!

Энди ўзимизга бир савол берайлик: шу ёшлардан оғриниб, ҳар бир иши, интилишдан камчилиги кўсур ахтарган маъқулми ёки уларнинг ёруғ ниятларига йўл очиб бериш, қўлдан келганки кўмақдан эринмаслик, тинимсиз олға босишларига рағбатлантириш лозими?

Бу саволга жавоб Озод домла эслатган, ибтидо кишии харсангга ўйиб ёзган ҳасратдан топилмаслиги аниқ. Демак, дамак, ҳатто тошга ўйиб ёзилган бўлса-да, ҳамма гадак ҳам ҳақиқат бўлавермас экан-да...